



Шаҳримиздаги «Кўргазмасавдо» мажмуасида «Кичик бизнес ускуналари ва маҳсулотлари» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўргазмалар

КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИДАГИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида «Експоспект» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган мазкур кўргазма ўз бизнес фаолиятини эндигина бошлаётган тадбиркорларга кўмак бериш, кичик ва хусусий бизнес вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларни намойиш қилиш, уларга асбоб-ускуналар ва технологияларни танлашда кенг имконият яратиш ҳамда ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш мақсадида уюштирилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган, жумладан, хорижий давлатлар корхоналари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган, янги маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ва экспорт қўламини кенгайтириб бораётган кичик бизнес субъектлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Бунда, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳамда мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида ўтказилаётган халқаро кўргазмалар муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу кўргазманинг асосий иштирокчилари хитойлик ишлаб чиқарувчилар ва маҳаллий компаниялар ҳисобланади. Элликка яқин Хитой компаниялари ўзларининг озиқ-овқат, тўқимачилик, мебель саноати, электр энергияси, қурилиш моллари, полимер маҳсулотлари, дастурий таъминотлар асбоб-ускуналари, технологиялари ва маҳсулотлари билан иштирок этишмоқда. Ушбу тадбирда шунингдек, уй меҳнатига, гўшт ва сут маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ва қадқолашга мўлжалланган асбоб-ускуналар ҳамда инновацион технологиялар йўналишлари ҳам қамраб олинган.

— Мазкур халқаро кўргазма мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратди, — дейди Ўзбек — Хитой Савдо уйи Ислаб чиқариш ускуналари департаменти раҳбари Мансур Раҳимов. — Бу ерда тадбиркорларимиз Хитойда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар билан танишиш билан бирга хитойлик ишбилармонлар билан бевосита келишувларга ҳам эришишлари мумкин. Бу тадбирда биз ҳам Хитойдан етказиб берадиган товарларимиз билан иштирок этмоқдамиз. Булар омборхоналарда ишлатиладиган юк ташиш машиналари, қурилиш техникалари, электр ишлаб чиқарувчи генераторлар ва бошқа кўплаб ускуналардир.

Айтиш жоизки, иштирокчи компаниялар ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш ҳамда сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш мақсадида янги ҳамкорлар топиш, янги технологияларни харид қилиш, тажриба алмашиш ва узок муддатли ўзаро манфаатли шартномалар имзолашни мақсад қилгандилар ва кўргазма давомида ўз мақсадларига эришдилар. Кўргазмада кўплаб ўзаро манфаатли шартномалар тузилиб, ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва инвестицион салоҳияти билан таништириш мақсадида кўргазма доирасида давра суҳбатлари, музокара, иштирокчи компанияларнинг тақдимотлари ўтказилди. Шунингдек, оилавий бизнесни ривожлантиришга бағишланган «Маҳорат дарслари» ҳам ташкил этилди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Ражабов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбасари Б.Алимухамедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилаётган доимий эътибор халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда бу борада ислохотларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустақам ҳуқуқий асослари яратилган ва муттасил такомиллаштирилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳар йили махсус дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

2015 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган дастур лойиҳасида ушбу йўналишда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича дастурнинг мазмун-моҳияти ва вазифаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

амалга оширилаётган устувор вазифалар ифодасини топан. Унга кўра, 2015 йилда 987,5 минг янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Бу жараёнда иш билан банд бўлмаган аҳолини, хусусан, ёшлар ва аёлларни ишга жойлаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат бозорига фаол ва аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастур лойиҳасида таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ

этишда тегишли вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар иштирокида ҳар бир туман миқёсида махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган.

Давра суҳбатида 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини янада такомиллаштириш, бу соҳада қонунчиликда белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тақлифлар билдирилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

БЎЛИБ ЎТАЖАК ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистоннинг Пекиндаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясида шу йил декабрь ойида мамлакатимизда бўлиб ўтадиган парламент сайловларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясининг етакчи мутахассислари ҳамда Хитой ижтимоий фанлар академияси вакиллари ҳозир бўлган мазкур тадбир чоғида республикаимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида фикр юритилди.

Хитой томони вакиллари бўлиб ўтажак парламент сайловларига тайёргарлик кўриш жараёни билан яқиндан танишдилар. Тадбирда сайловлар мутлақо янги, жамиятни либераллаштириш ва демократлаштириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш шароитида ўтказилиши алоҳида аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

ХХР экспертларининг эътибори сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришларнинг мазмун ва моҳиятига қаратилди. Сайлов қонунчилигининг асосий тамойиллари, миллий сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг моҳияти, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сайловчиларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа бўлган сайловларга тайёргарлик кўрилиши ва уларнинг ўтказилиши юзасидан хабардорлиги билан боғлиқ маълумотлар ҳам атрафли шарҳланди.

Қайд этилганидек, сайлов кампанияси чоғида унинг барча иштирокчилари, яъни сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга кенг ва тенг шарт-шароитлар яратилади. Партиялар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб мавзулари бўйича қатъий позицияларини акс эттирувчи сайловолди дастурларини сайловчилар эътиборига ҳавола этишда барча турдаги оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқларига эга бўлади.

Хитой томони вакиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришларга катта қизиқиш билдиришар экан, улар мамлакатимизда халқаро меъёрларга мувофиқ равишда миллий сайлов тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларга юқори баҳо бердилар.

Жумладан, **Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясининг президенти Цзи Чжие** Ўзбекистон Хитой Халқ Республикасининг Марказий Осиёдаги муҳим шериги эканлигини алоҳида таъкидлади. У эътироф этганидек, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов етакчилигида демократияни ривожлантириш юзасидан салмоқли ижобий натижаларга эришилган.

— Кўҳна тарихга эга бўлган ёш мамлакат сифатида Ўзбекистон бугун ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид масалаларни муваффақиятли ҳал этишда ва фаол ташқи сиёсат олиб бормоқда, — деди у. — Аҳоли фаровонлиги даражаси узлуksиз ўсиб бораётир, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган оқилона ва вазмин сиёсатнинг натижаларидир.

Хитой замонавий халқаро муносабатлар академияси Марказий Осиё тадқиқотлари бўлимининг мудири **Дин Сяосин** ҳам Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш борасида катта муваффақиятларни қўлга киритаётганини қайд этди.

— Ўзбекистон раҳбарияти томонидан пухта ўйлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий стратегияси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам мамлакатда ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берди, — деди эксперт. — Сўнгги йилларда ўртача ўсиш суръати саккиз фоизни ташкил этмоқда. Ўзбекистон давлат сиёсатининг марказида бўлган ижтимоий соҳада ҳам эътиборга молик ютуқларга эришилди.

Дин Сяосин мамлакатимизда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик, аҳолининг фаол фуқаролик позицияси сайловлар муваффақиятли ўтишининг гарови бўлишига ишонч билдирар экан, Ўзбекистоннинг келажагини белгилаб берадиган ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатадиган мазкур сиёсий тадбир катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

«Жаҳон» АА
Пекин



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими қошида хунармандликни ривожлантириш маркази очилди. Марказ миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, бой маданий меросимизни, хунармандлик ва амалий санъат асарларини кенг тарғиб этиш, «устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириш, миллий хунармандлик сирларини ёш авлодга ўргатиш бўйича фаолият олиб боради. Миллий каштачилик ва амалий санъат асарларини халқаро миқёсда тарғиб этиш ҳамда сайёҳликни ривожлантиришга ҳисса қўшади.

• Сурхондарё вилоятида уч мингдан ортик фермер ҳўжалиги 98 минг гектар сўғориладиган майдонда кузги дон экиш ишларини бошлаб юборди. Ҳосилдан бўшаган майдонларга «Таня», «Крошка», «Половчанка», «Краснодар-99», «Гром» каби ҳудуд иқлимига мос, серхосил ва эртапишар галла навлари уруғини сепиш уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

• Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейида «Гуллуб-яшна, она — Самарқандим!» шiori остида гуллар байрами ўтказилди. Самарқанд шаҳри куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда шаҳар жамоатчилиги вакиллари, гулчилик ҳўжаликлари ва ҳаваскор гулчилар ўзлари етиштираётган турли хил гул ва бутасимон ўсимликлар, гулдасталарни намойиш этди.

• Андижонда «Биз терроризмга қаршимиз» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Андижон давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• «Вонгфонг» тўфони хуружи натижасида Японияда тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 99 нафар одам тан жароҳатлари олди, кучли бўрон ва тинимсиз жала қуйиши муносабати билан бир миллиондан ортик кишини хавфсиз жойларга кўчириш чоралари кўрилмоқда.

• Суданнинг Нил штатида жойлашган Эл-Данер шаҳри атрофида йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Йўловчи автобусининг юк машинаси билан тўқнашиб кетиши натижасида 8 киши ҳалок бўлди, кўплаб йўловчилар оғир тан жароҳатлари олди.

• Нью-Йорк шаҳрида энг баланд турар жой биноси қуриб битказилди. Манхэттен марказидаги Парк авеню майдонида жойлашган ўта замонавий 96 қаватли бионинг баландлиги 426 метрни ташкил этади.

Сайлов — 2014

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли демократик жамиятни барпо этишда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш» қўшма лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбати ушбу мавзуга бағишланди.

Тадбир журналистларнинг сайлов кампаниясини ёритиш бўйича билимини ошириш, фуқароларга сайлов жараёни тўғрисида кенг қамровли ахборот етказиш борасидаги вазифаларини тушунириш, сайловдаги ташвиқотнинг замонавий технологиялари, принцип ва нормаларини ўрганишга қаратилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда сайловларни очиклик, ошқоралик ва транспарентлик принциплари асосида ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасида бой тажриба тўплагани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кўзлабдан асосий мақсад сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, уларни сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловдаги платформалари билан таништириш, оғли равишда овоз бериш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат экани қайд этилди.

Мамлакатимиз қонунчилигида сайлов кампанияси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишининг ҳуқуқий қаролатлари мустаҳкамланган, — дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтининг бўлими бошлиғи Раҳимжон Ҳақимов. — Бугун журналистлар учун сайловчиларга сайлов қонунчилиги қондаларини кенг тушунириш, миллий сайлов қонунчилигини янада демократлаштиришнинг

мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамоатчиликнинг сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида хабардор этиш бўйича самарали ахборот ишларини ташкил қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Тадбир иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар моҳияти ва аҳамияти тўғрисида фикр алмашди. Мазкур ўзгариш ва қўшимчалар танлов эркинлиги принципини тўлиқ таъминлаш, мамлакатимиз сайлов тизимини янада демократлаштириш, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловдаги ташвиқоти тўғрисида тенг шарт-шароит яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан парламент кўйи палатаси депутатлари сайловининг очиклиги ва шفافлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилгани ҳақида ҳам сўз юритилди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари, партиялараро рақобатни ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришда электорат иштирокини кенгайтириш омили сифатида ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Сардор ТОЖИЕВ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, кейинги йилларда аҳоли орасида сурункали бош мия қон айланishi бузилиши туфайли келиб чиқадиган касалликлар кўпайиб бораётир. Бунга соғлом турмуш тарзида риоя этмаслик, кам ҳаракатлилиқ, ичиш, чекиш каби зарарли иллатлар кўпроқ сабаб бўлаётир.

2014 йил — Соғлом бола йили

ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Пойтахтимизда бўлиб ўтган сурункали бош мия қон айланishi бузилиши билан боғлиқ касалликлар диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий технологияларига бағишланган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини юксалтириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларнинг касб малакасини юксалтириш, бирламчи тиббий-профилактика муассасалари фаолиятини кенгайтиришда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий лойиҳалар бу ишлар самарадорлигини оширишда дастуруламал бўлмоқда.

Мамлакатимизда жаҳон тиббиётининг замонавий йўналишларидан бири — ангионеврология изчил ривожланаётир.

Бундай хасталикка чалинган беморларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий маркази, Республика ичтисослаштирилган жарроҳлик маркази, Тошкент Тиббиёт академияси иккинчи клиникасининг ангионеврология бўлимида бу йўналишда юксак технологиялар воситасида оператив муолажалар ўтказилмоқда.

Инсон саломатлигига жиддий таҳдид туғдирадиган ва ногиронликка олиб келадиган бундай оғир хасталиклар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида профилактика ва диагностика чора-тадбирларини кунайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ушбу соҳа бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш ҳам доимий эътиборда.

Анжуманда ангионеврология йўналишида илм-фан эришяётган ютуқлар, бу борада қўлланилаётган янги технологиялар, аҳоли ўртасида амалга оширилаётган тиббий-профилактика ишлари самаралари, бош мия касалликларини барвақт аниқлаш, олдини олиш ва ўз вақтида даволаш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аграр тармоқда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида соҳада ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончиликда 6,4 фоизга, чорвачиликда 7,4 фоизга ўсди.

Бозор муносабатларининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширишнинг тақозо этмоқда. Бунинг учун, аввало, тупроқ унумдорлигини ошириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ишлари ва меҳнатни тўғри ташкил этиш талаб этилади. Бунда соҳа ходимларининг билим ва тажрибаси, профессионал маҳорати муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги корхона ва муассасаларида инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш, кадрларнинг ижодкорлик қобилиятини намоён этиш учун барча шароит яратилмоқда. Туманларда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги коллежлар билан туман фермерлар кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Уларда «Фермерлар мактаби» ташкил этилиб, назария билан амалиётни муштарак амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Коллежлардаги тажриба хўжаликларидан паррандачилик, асаларчилик, интенсив усулда балик етиштириш усуллари ўрганилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги йўналишида таълим олаётган касб-хунар коллежлари ўқувчиларига янги педагогик технологиялар асосида дарс бериш, уларнинг салоҳиятини янада оширишга эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 августдаги «Қишлоқ хўжалиги тармоғи учун ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотида эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қаро-

ри бу борадаги ишларнинг янада кенгайишига хизмат қилаётир.

Қарорга кўра жойлардаги касб-хунар коллежларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги тармоғи учун мутахассислар тайёрлаш шарт-шароитлари ва сифатини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Бунда Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Белгиланган вазифалар келгусида қишлоқ хўжали-

Қарор ва ижро

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР — СОҲА ИСТИҚБОЛИ

ги соҳасида кадрлар тайёрлаш сифатини янада такомиллаштириш, назарий ва амалий машғулотларини узвий равишда олиб бориш орқали ўқувчиларнинг касб кўникмаларини оширишда кўл келади, — дейди ЎЗА муҳбирига марказнинг бошқарма бошлиғи ўринбосари Раҳматилла Рустамов. — Ҳозир қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежларини замонавий ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш, ўқув режалари асосида мутахассислик фанлари, ўқув дастурлари мазмунини қайта кўриб чиқиш ишлари бажарилаётир.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таянч олий таълим муассасалари — Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва мелiorация институти, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти профессор-ўқитувчилари билан базавий касб-хунар коллежлари ўқитувчилари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент трактор заводи мутахассислари ўртасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу 2015 йилда барча касб-хунар коллежларига замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини тасвифловчи турли кўргазмалар, ўқув материаллари, йўриқномалар, усулбуй ва ўқув қўлланмаларини етказиб беришда кўл келади.

Аграр йўналишида мутахассислар тайёрланадиган коллежларда қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича механик-ҳайдовчилар тайёрлаш сифатини янада ошириш борасида ҳам комплекс ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 29 базавий касб-хунар коллежларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланмоқда. Шу мақсадда 2015-2017 йилларда уларга 110 дон қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берилади.

Ушбу билим масканларига ўқув-амалиёт машғулотларини сифатли олиб бориш ҳамда мавжуд техника ва асбоб-ускуналардан мақсадли фойдаланиш мақсадида ёрдамчи хўжалик сифатида қамиди 20 гектардан сугориладиган ер участкалари ажратилиш борасида ҳам ишлар олиб боришмоқда. Хўжайли, Денов, Тошлок, Учқўприк агросаноат касб-хунар коллежлари шулар сирасидандир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, базавий касб-хунар коллежларига ёрдамчи хўжалиги учун ер участкалари ажратилиши ўқув-амалий машғулотларини самарали ташкил этиш даражасини оширади.

Кадрлар тайёрлашга қаратилаётган бундай юксак эътибор келгусида аграр соҳада ўрта махсус маълумотли малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО СПОРТ ТУРНИРИ МЕЗБОНИ

Пойтахтимизда дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир бошланди.

Халқаро дзюдо федерацияси шарафлигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур турнирда 42 давлатдан 280 нафардан ортиқ спортчи совринли ўринлар ва 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун беллашмоқда.

Халқаро дзюдо федерацияси мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори дзюдонинг ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, ўзбек дзюдочиларининг жаҳон майдонларидаги муваффақиятларини инобатга олиб, 2013 йили илк бор Гран-при туркумига кирувчи нуфузли мусобақага мезбонлиқ қилиш ҳуқуқини Тошкент шаҳрига берган эди ва бу турнир 2016 йилга қадар юртимизда ҳар йили ўтказилиши белгиланган бўлибди.

Ўзбекистон дзюдо федерацияси томонидан бу йилги Гран-при турнирини юқори савияда ўтказиш, муسابақа ташкил этиладиган жой-

нинг халқаро стандартларга мос жиҳозланишини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилади.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида 16 октябрь куни нуфузли мусобақанинг очилиш маросими бўлди.

Байрамона безатилган спорт мажмуаси меҳмонлар, спортчи ва мураббийлар, мухлислар билан гавжум. Чорлов садолари остида майдонга халқаро турнир иштирокчилари — 42 мамлакат терма жамоалари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодини жисмонан ва маънан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, Ватанимиз обрўсини, халқимиз гурур-ифтихорини янада юксалтиришнинг муҳим омили бўлган спортни ривожлантириш мамлакатимизда умуммиллий ҳаракатга айланган алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда Олимпия спорт турларини янада омаллаштириш, жаҳон майдонларида Ватанимиз ша-

тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига доимий эътибор қаратилмоқда.

— Ўзбекистон юксак спорт салоҳиятига эга, — дейди ЎЗА муҳбирига Халқаро дзюдо федерацияси вакили Ян Снайдерс. — Бу мамлакатимизда ташкил этилаётган турли спорт анжуманларининг юқори савияда ўтиши, ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро спорт ареналарида эришяётган юксак галабаларда яққол намоён бўлмоқда. Ўтган йили Тошкент шаҳрида илк бор ўтказилган Гран-при мусобақаси юксак даражада ташкил этилган эди. Бу галги турнир ҳам самарали ўтишига ишончим комил.

Дзюдо — мамлакатимизда жадал ривожланиётган олимпия спорт турларидан. Ўзбекистонлик дзюдо усталарининг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, турли нуфузли турнирларда мунтазам совринли ўринларга сазовор бўлаётгани, янги-янги истеъдод эгаларининг кашф этилаётгани ўзбек дзюдо мактаби шукрати янада юксалишидан далолат-дир.



Дзюдочиларимизнинг йирик мусобақаларда муносиб иштирок этишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчилари 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёш Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида Сухроб Турсуров бир йўла иккита медал — шахсий беллашуларда бронза, жамоавий бахсларда олтин медал-

ни қўлга киритди. Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ташкил этилган XVII Осиё ўйинларида полвонларимиздан Дилшод Чориев кумуш, Мирзохид Фармонов, Рамзиддин Саидов ва Абдулла Тангриев бронза медал билан тақдирланди. Терма жамоамиз аъзолари жамоавий бахсларда учинчи ўринни эгаллади.

Халқаро турнирда Ватанимиз шарафини Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар голиб ва совриндорлари билан бирга ёш дзюдочилар ҳам ҳимоя қилмоқда.

Байрам АЙТМУРОВО

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан жамиятимизда касаб уюшмаларининг роли ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ўрганишга бағишланган ижтимоий сўров ўтказилди.

Жамоатчилик фикри мониторинги шуни кўрсатдики, унда иштирок этганларнинг 97,5 фоизи ўз иш жойидаги касаб уюшмаси аъзосидир. Бунинг боиси касаб уюшмалари фуқароларга турли имтиёзлар тақдим этиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, аниқ манзилли ижтимоий ва бошқа ёрдам кўрсатади.

Сўров қатнашчиларининг кўпчилиги касаб уюшмаси ташкилотларида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини ижобий баҳолайди ва ушбу жараёнда корхона ҳамда ташкилотларда янгиликлар жорий этилгани, давлат, иш берувчи ва касаб уюшмалари ўртасида амалий ижтимоий муносабатларни йўлга қўйиш имконини берган тадбирлар ўтказилганини қайд этди. Хусусан, улар Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ўз ташкилотлари билан жамоавий шартнома тузган. Бундан ташқари, иштирокчиларнинг аксарияти ушбу шартномаларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган.

Иштирокчиларнинг фикрича, корхона ва ташкилотларда жамоавий шартномалар тузилиши самарасида меҳнат унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичлар ошмоқда. Бунинг натижасида иш берувчи ва меҳнат жамоаси ўртасида «ижтимоий шериклик» атамаси билан белгиланадиган янги муносабатлар пайдо бўлаётир.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши фаолияти ва амалга оширилган ишлар самарадорлиги ўрганилди. Фуқароларнинг фикрича, ташкилот томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳодимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, сўнгги вақтларда мамлакатимиз хусусий секторида ёлланма ишчиларнинг меҳнат ва профессионал манфаатларини ҳимоя қиладиган касаб уюшма ташкилотлари ташкил этилган.

Сўров маълумотларига кўра, фуқаролар Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ташаббуси билан корхона ва ташкилотларнинг меҳнат шартномаларига хотин-қизлар, ёш мутахассислар ва ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга қўшимча имтиёзлар бериш бўйича киритилган қўллаб-қувватлаш ижобий баҳолайди. Барча фаолият соҳаларида хотин-қизлар иштираки кенгайиб бораётир. Иштирокчилар ўзлари меҳнат қилаётган ташкилотларда раҳбарлик лавозимида меҳнат қилаётган хотин-қизлар сони кўпайгани, бу уларнинг касб маҳорати ва билим даражаси ошаётганидан далолат беришини таъкидлади.

Сўров иштирокчиларининг фикрича, меҳнаткашларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш касаб уюшмалари кўмиталари фаолиятининг муҳим йўналишидир. Тадқиқот натижаларига кўра, сўнгги йилларда касаб уюшмаларини ислох қилиш жараёнида ушбу соҳа янада кенгаймоқда. Фуқаролар ёш мутахассислар ва оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳажми анча ошганини касаб уюшмалари фаолиятидаги ижобий ўзгариш сифатида қайд этди.

Уларнинг фикрича, касаб уюшмалари ташкилотларининг асосий фаолияти ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Иштирокчиларнинг аксарияти касаб уюшмалари ташкилотлари ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифаларини самарали ҳал этишга қодир эканига ишончи комил.

Уларнинг таъкидлашича, касаб уюшмалари ташкилотлари меҳнаткашларга, айниқса, ёш мутахассисларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Бу давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш нўқтаи назаридан муҳимдир.

Фуқароларнинг ҳал этилаётган муаммолари сони ва хусусияти касаб уюшмалари кўмиталари фаолиятининг ўзига хос кўрсаткичидир. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, ишчи-ҳодимларнинг касаб уюшмаларига муурожаатлари сони ошиб бормоқда. Муурожаатларнинг аксарияти корхона ва ташкилот касаб уюшмалари кўмиталари томонидан ижобий ҳал этилган.

Тадқиқот иштирокчиларининг фикрича, касаб уюшмалари фаолиятига доир ислохотларни амалга оширишни янада фаоллаштириш меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида касаб уюшмалари имкониятларини кенгайтириш, жамоавий шартномада кўзда тутилган барча шартлар бажарилиши, зарарли меҳнат шароитлари учун ишчи-ҳодимларга компенсация тўлашни назорат қилиш, ишлаётган ёш болаларга берилмайдиган имтиёзларни кенгайтириш билан боғлиқ бўлиши лозим. Мухтасар айтганда, ушбу тадқиқот натижалари бугунги кунда касаб уюшмалари фуқароларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиб, уларнинг меҳнат ва касб ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаётган энг оммавий жамоат ташкилоти эканидан далолат беради. Фуқароларимиз касаб уюшмалари фаолиятида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ижобий баҳолаб, меҳнат жамоалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари кенгайганини таъкидлади.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида
ЎЗА муҳбири
